

## Меҳмон овқатдан қўлини тортганда, мезбоннинг «енг» ёки «олинг», деб айтиши мустаҳаблиги



11:40 / 15.09.2025 5934

Билингки, бу амални қилиш мустаҳабдир. Ҳаттоки, агар кифоя қилгудек таом емаса, киши ўз аҳли-аёлига ҳам мана шундай муомала қилиши маҳбуб амаллардандир. Бунга далил қилиб қуйидаги ҳадис келтирилади:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зоҳир мўъжизаларига далолат қилувчи узун ҳадисда келтирилишича, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг қоринлари очиб, йўл бўйига ўлтирганларича меҳмон қилишлари учун Қуръон ўқир эдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳли суффадагиларни олиб келиш учун (одам) юбордилар. Улар келишганида барчаларини бир

қадаҳ сут ила сийладилар. Ҳадиснинг охирида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Бу сутдан ичмаган) сен ва мен қолдик, холос», деганларида, мен: «Тўғри айтдингиз, эй Расулуллоҳ», дедим. У зот: «Ўтир ва бундан ич», дедилар. Мен ундан ичдим. У зот: «Яна ич», дедилар. Мен яна ичдим. Мана шундай ич, дейишда бардавом бўлдилар. Ҳаттоки, «Йўқ, сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, унга жой қолмади», дедим. Шунда у зот: «Келтир», дедилар. Мен қадаҳни у зотга узатганимда Аллоҳга ҳамд айтиб ҳамда Унинг исмини зикр қилиб сутнинг ортиб қолганини ичдилар».

*Имом Бухорий ривоятлари.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан  
Таржимон Анвар Аҳмад**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.